

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 50 (7.199). Sotuvda erkin narxda



● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 апрель кунин Оқсаройда Литва Республикаси ташқи ишлар вазирини Пятрас Вайтекунасни қабул қилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 апрель кунин Оқсаройда бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевни, "Юниверсум бокс-промоушн" (Германия) профессионал бокс клуби промоутери Клаус-Петер Кох ва Р.Чагаевнинг ушбу клубдаги менежери Тоймас Нисзовни қабул қилди.**

● **Литва Республикаси ташқи ишлар вазирини Пятрас Вайтекунас 20 апрель кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.**

● **Ўзбекистон Давлат консерваториясида Халқ чолгулари ансамбли ва оркестрларининг олтинчи республика фестивали бўлиб ўтди.**

● **Самарқандда ҳаваскор халқ театр жамоалари ва кўнчроқ театрларининг айнавий республика кўнч-фестивали бошланди.**

● **Профессионал бокс бўйича Фарғона шаҳрида ташкил этилган мусобақада ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари рейтинг жаңларини ўтказди.**

● **Украинада футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтган халқаро турнирда 1992 йилда туғилган футболчилардан таркиб топган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош соврин соҳиб бўлди.**

● **Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилояти фаолларининг йилги йиғилишида 2007 йил биринчи чорагида вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ахбороти ва жорий йилда ишловларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари баҳариланиши таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги мажлис муҳоказида бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида "Ўзбекистон тасвирий санъати ҳафталиги" бошланди.**

● **Пойтахтимиздаги "Ёшлар" талабалар шаҳарчасида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг янги биноси очилди.**

● **Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик муҳандислик билим юрти спорт мажмуасида республика "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**



Кўнғирот сода заводи ўтган йил август ойидан бошлаб ўзининг илк маҳсулотини — кальциниацияланган сода хом ашёсини ишлаб чиқара бошлагани.

Завод жамоаси 2006 йилда 12 минг 800 тонна хом ашё ишлаб чиқарди. Бу йил маҳсулот ҳажмини 80 минг тоннага етказиш режалаштирилган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида заводда 8 минг 200 тонна шундай хом ашё тайёрланди.

Айни кунда завод маҳсулотини Фарғонадаги "Кварц" акциядорлик жамияти ва Тошкентдаги "Фарм-глас" Ўзбекистон — Британия қўшма корхонасига жўнатишмоқда.

Суратларда: ўз ишининг устаси Қайирбой Қирқбоев.

Кўнғирот сода заводи кўринишлари.
Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



Иқтисодиёт

Хитой тараққиёт банки ҳамда Акциядорлик тижорат "Алоқабанк" ўртасида 8 миллион АҚШ долларига тенг кредит шартномаси имзоланди. Кредит маблағлари "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясига телекоммуникация усуналарини лизинг асосида етказиб бериш лойиҳасини молиялаштиришга йўналтирилади.

Иқтисодиёт тармоқларини замонавий технология қурилмалар билан таъминлашда лизинг хизмати фаолиятини ошириш,

ётган ишларнинг бири, дейиш мумкин. "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш юзасидан инвестицион лойиҳани молиялаштириш борасида имзоланган шартнома бешта асосий йўналишни ўз ичига олади.

Учрашувда бундан ташқари, Хитой тараққиёт банки билан ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унга асосан икки томонлама махсус гуруҳлар ташкил этилади. Гуруҳлар фақат телекоммуникация соҳасида эмас, балки иқтисодиётнинг барча соҳаларида бўлган турли лойиҳаларни молиялаш-

Истиқболли ҳамкорлик

шунингдек, мамлакатда ахборот коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, бунинг учун чет эл сармояларини жалб қилишни фаоллаштириш мақсадида республика Президентининг "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур шартноманинг имзоланиши эса мана шу қарор ижросини таъминлаш борасида амалга ошири-


тириш учун биргаликда иш олиб боради. Шунингдек, меморандум доирасида икки томонлама банк ҳодимларининг тажриба алмашиши ҳам кўзда тутилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур лойиҳани амалга оширишдан қўзғалган асосий мақсад, эскирган усуналарни замонавий рақамли усуналарга алмаштириш, аҳолига қўراتилган телекоммуникация хизмати ҳажмини ошириш, сифатини яхшилашдан иборат.

"Туркистон-пресс"

Бугунги сонда:

Қарс икки қўлдан



(2-бетда)

Мана пул... қани пул?

(3-бетда)

Компьютер зарарлими?



(4-бетда)

Мустақиллик иншоотлари

Кўприк пойдевори қўйилди

Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон темир йўли қурилишида Япония Халқаро ҳамкорлик банки томонидан ажратилган кредит ҳисобига бунёд этиладиган бешта темир йўл кўприги учун пойдевор ташланди. Шу муносабат билан ўтган маросимда Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Япония Халқаро ҳамкорлик банки, шунингдек, "Шимидзу-Ниппон Стил Инжиниринг-Йокогава" консорциуми вакиллари ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компаниясининг раҳбар ва мутахассислари иштирок этди.

Темир йўлнинг 91-километрида Япония лойиҳаси асосида қуриладиган дастлабки металл кўприк учун пойдевор тошини Япониянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва муктор элчиси Юичи Кусумото, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компаниясининг раиси Очилбой Раматов ва Япония Халқаро ҳамкорлик банкининг бош ижрочи директори Тетсуо Шюгучи қўйди.

Янги темир йўл қурилишида умумий узунлиги 1 минг 200 метр бўлган, биринчи марта монолит тиргалар қўтариш технологияси қўлланилган ҳолда бешта кўприк бунёд этилади. Дарбанд темир йўл станциясида ана шу янги ва ўзига хос мураккаб конструкцияга эга бешта металл кўприк қуриш бўйича япониялик ҳамкорларнинг лойиҳаси тақдими ўтказилди.

Темир йўлнинг энг оғир участкаларида бешта металл конструкцияли кўприк қуриш бўйича ўтган йилнинг июль ойида тендер эълон қилинган эди, - дейди консорциум лойиҳа координатори Бахтиёр Махсимов. - Лойиҳамиз техник ва бошқа жиҳатлар бўйича барча талабларга жавоб бергани учун тендерда ютиб чиқдик.

Консорциум 3 япон компанияси ўртасида тузилган бўлиб, "Shimudzi" компанияси асо-

сан бетон қуйиш ишларини амалга оширади, кўприк остидаги тиргаларни ўрнатади. "Nippon Steel Engineering" металл қурилмаларни йиғиб, қурилиш майдонида етказиб берса, "Yokogawa" компанияси металл конструкцияларни жойида монтаж қилиш ва кўприкни тиклашни ўз зиммасига олган.

Ушбу металл кўприклар қурилишининг лойиҳа қиймати 4 миллиард 544 миллион япон иенасига тенг.

Мазкур қурилиш мамлакатимизда ягона ва мустақил темир йўл тизимини яратиш ҳамда жанубий вилоятларда ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, ер ости табиий бойликларини ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу йўл рельеф жиҳатидан жуда мураккаб тузилишга эга бўлган тоғли ва табиати гўзал, жойидали худудлар бўйлаб ўтмоқда. Бу ерларда ер ости табиий бойликларининг йирик захира-лари борлиги аниқланган. Мана шу қонларни ишга тушириш, олинаётган хом ашёни қайта ишлаш корхоналарига етказишда темир йўл катта имконият яратди. Шунингдек, sanoat, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг кўпайиши ва аҳолининг иш билан бандлик даражаси ошишини таъминлайди.

Биргина Бойсун туманидаги "Бойсун" кўмир ҳавзасида юқори сифатли хом ашё қазиб олиш, сланец, аргелит, глауконит, оҳақтош каби ўлаб турдаги табиий қонларни ишга тушириш мумкин. Мазкур темир йўл тармоғи иқтисодиётимизда транспорт соҳаси самарадорлигини оширибгина қолмай, тоғ-кон sanoati ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларини тараққий эттириш ва шу ҳисобдан жанубий минтақаларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Дарбанд темир йўл станциясида ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Ханов сўзга чиқди.

(ЎЗА)

"Тажрибага таянамиз"

Соҳа мутахассислари бу йил илгариги йилларга нисбатан сув тақчиллиги бўлишини башорат этишган эди. Бундай шароитда асосий обихабт манбаи Амударё бўлган Хоразм воҳаси деҳқонлари қандай йўл тутганлари маълум? Пахта ва бошқа экинлардан сув тақчиллиги шароитида қандай қилиб юқори ҳосил олиш мумкин? Йилни муваффақиятли яхунлаш учун ҳозирдан қандай чоралар қўрилиши керак? Биз шу мақсадда қишлоқ ҳўжалигининг етук билимдонлари — олимлар, кўп йиллик тажрибага эга раҳбар мутахассислар, ер илми ҳадисини олган деҳқонлар вакиллари билан суҳбат қиладик.

Шоназар ЮСУПОВ, Республикада хизмат қўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими:

— Воҳа деҳқонлари бундай ҳолга энди дуч келишгани йўқ. Масалан, 1959-1960, 1982 йилларда сув меъёридан кам бўлганлиги. 2001-2002 йилларда ҳам қаторасига шу ҳолатни бошдан кечирдик. Шундай шароитда ҳам пахтадан юқори ҳосил олинган. Мана исботи. 2001 йилда Хазорасп туманидаги "Хоразм"

ширкат ҳўжалиги 25 сентябрда, туман октябрнинг ўнчиси санасида пахта тайёрлаш шартномавий режаларини вилоятда биринчи бўлиб баҳардилар. Йил ҳамма жойда муваффақиятли яхунланди. Шунинг учун сув кам бўлса-да, асло ваҳимага тушмаслик керак. Бу борада вилоят деҳқонлари етарли тажрибага эга. Бундай пайтда йилнинг сув олишда қатъий тар-

тиб бўлмоғи, ишни оби-тобида баҳарилш лозим. Сув тақчиллиги йили чигитни азотли ўғит билан бирга ташлаш, ўғитни 15 сантиметр чуқурликда бериш яхши самара келтиради. Айтмоқчи бўлган қатъий фикрим, шўр сувидан тортиб теримгача бўлган барча масалаларни даланинг тупроқ шароити, ўсимлик ривож, иқлим ўзгаришларига қараб ҳар бир пайкалнинг устида бериш керак.

Бахтиёр АБДУЛНИЁЗОВ, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори:

— Бу йилги шароитда кол-лектор сувларини чуқур сув билан аралаштириб қўллаш ҳам анча наф келтиради. Бунда кол-лектор сувларининг шўрлигини даражаи 2.2 фоздан юқори бўлмаслиги шарт. Бунинг учун ҳозирданқозов сувларини вилоятдан ташқарига чиқариб юбормаслик чоралари қўри-ла бошланиши лозим. Кол-

лектор сувлари бир маромда бўла турилса, ер ости сувлари сатҳи чуқурлашиб кети-шининг олди олинади. Бун-га, айниқса, вилоятнинг жану-бий қисмида жойлашган Хазорасп, Богот, Яйғариқ, Хива, Қўшқўл ва Шовот туманларида кўпроқ аҳамият қаратиш керак.

Бу йилги шароитда тупроқ ва иқлим шароитимизда синовдан ўтган "Хоразм-127", "Мехнат", "Бухоро" навляри-ни экиб, мўл ҳосил олиш мум-кин. "Бухоро" навляри ҳосил-дор бўлиш билан бирга, сув-сизликка ҳам чидамли, лекин кеппишар. Шунинг учун уни қумлоқ тупроқли ҳўжаликлар-имизга жойлаштиришга тўғри келади. Ўғитни бир ма-ротаба кам сўғориш, шולי эмаслик ҳисобига анча сув-ни тежаш мумкин. Бу йил сув-ни кам талаб қиладиган мош, беда, қовун, оқ ҳўҳори каби экинлар экиб, ердан самара-ли фойдаланиш лозим.

(Давоми 2-бетда)

Чимбойлик саховатпешалар

Чимбой шаҳридан сал ўтгач, бог-роғларга бурканган жойда "Меҳрибонлик уйи" бор. Унда, асосан, руҳий касалликларга чалинган беморлар даволанади. Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги тасарруфидидаги мазкур масканда меҳр-муруватга муҳтож бу инсонларга давола-ниш ва дам олишлари учун етарли шароит яратилган.

Даволаш корпуси, юз ўринли ётоқхона, дам олиш ўрни, ошхона, саргарошхона улар хизматида. Беморларнинг яхши дам олиши, даволанишида ҳомийларнинг бераётган қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Жумладан, халқаро "Экосан" — экология ва саломатлик жағмармаси томонидан 2 миллион сумдан ортиқроқ маблағга тенг чаклар келти-рилди. "Динур" бидан дори-дар-ланди. Қорақал-поғистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги "Дамас" русумли автоулов соғва қилди. Шунинг-дек, Қорақалпоғистон касаба уюшмалари Кенгаши, Чим-бой тумани ҳокимлиги, бир неча ташкилот, корхоналар ҳам ҳомийлик ҳаракатидан четда турмади. Бу эса "Меҳрибон-лик уйи"даги шифокорлар тиббиёт ҳодимлари ва техник ҳодимларнинг самарали ишлашлари учун қўл келаяпти.

— Ҳомийлик ҳаракати изчил давом этмоқда, — дейди "Меҳ-рибонлик уйи" раҳбари Марзия Сапарова. — Ҳозирги вақт-да эса туман йўл қурилиш бошқармаси, 40-автокорхона, "Чимбойгаз", "Бинокор" масъулияти чекланган жамияти, "Қозоқдарёқурилиш" ҳиссодорлик жамиятлари жамоалари ёрдамида 6 миллион сумлик қурилиш-монтаж ва обodon-лаштириш ишларини олиб бориш режалаштирилмоқда.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.



Дунё саҳнасида



Дунёда рўй бераётган сўнги янгиликлар газетамизнинг 2-саҳифасидаги "Етти иқлимдан бир шингил-рукидан жой олган."

Замин муҳофазасига бағишланди

"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ергеодекадастр" давлат қўмитаси ҳамда Тошкент Давлат Аграр универси-тети ҳамкорлигида 22 апрель - Бутунжаҳон Ер кўнига бағишлаб Экофорум ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, қатор вазирлик, идоралар ва жамоат ташкилотлари вакиллари, универси-тет профессор-ўқитувчилари, талабалар, шунингдек, ома-вий ахборот воситалари ҳодимлари иштирок этишди.

Экофорумда таъкидланганидек, ер ресурслари ҳолати ҳамда ундан оқилона фойдаланиш масаласи наинки ма-ҳаллий, балки глобал миқёсдаги муаммолар таснифидан жой олган. Қўрилаётган чора-тадбирларга қарамадан, ер деградацияси ҳамон давом қиладиган омили кўпайиб бораётганини қўриб қолди.

Тадбир "Экосан" халқаро ташкилоти ўзбекистонлик олим ва соҳа мутахассислари ўртасида танлов ўтказиши-ни маълум қилди.

Шу кунин Тошкент шимолий темир йўл вокзалида Қора-қалпоғистон Республикасига йўл олган, 50 миллион сумлик инсонпарварлик юки ортилган "Ўзбекистон темир йўл-лари-Экосан" поездини жўнатиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Анвар ҚУЛМУРДОВ



Умидлар, беллашувлар, натижалар



Спорт хабарлари, хусусан, футбол бўйича Олий лига жамоаларининг 6-тур учрашувлари натижалари билан газетамизнинг 4-саҳифасида танишасиз.

Об-ҳаво қандай бўлади?

Савр ойн бошланди. Кексалар таъбири билан айтганда, бу ой экинлар ўсув давридир. Бунда баҳор қўйшининг илк тафти, ҳароратнинг кўтарилиши муҳим аҳамият касб этади. Ҳўш, бошланган ҳафтада об-ҳаво қандай бўлади? Эътиборингизни Гидрометеорология маркази мутахассислари башоратига қаратиниз.

24-25 апрель. Республикаимизда ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 13-18 даража илик, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

26-28 апрель. Туманларда мо-бўлиб, қисқа ёғади. Ҳарорат кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади. Шу кўнларда шамол гарбдан 7-12 м/с эсади.

Тоғли худудларда 24-25 апрель кўнлари ҳаво очик бўлади. Ҳарорат кечаси 8-13, кундузи 17-22 даража ис-сиқ бўлиши башорат қилинмоқда.

27-28 апрелда ҳаво ўзгариб туради, момақалдирок бўлиб, қисқа муддатли ёғим ёғади. Ҳарорат кечаси 8-13, кундузи 10-15 даража илик бўлиши кутилляпти. Гарб-дан эсаётган шамол тезлиги 7-12 м/с ни ташкил этади.

Мана пул... қани пул?

Дурадгор Нейматжон Юсупов ихчамгина устахонага эга бўлиб, яхши ниятлар билан мебелчилик устида иш бошлади. 5 нафар аъзоси бор устахонани кенгайтириш ва ишчи ўринини 15-20 нафарга етказиш учун маблагдан озгина ёрдам бўлса иш янада жонланиши турсан гап. Шу умидлар билан "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки Пойтут бўлимига учради. Аммо кредит ололмади. Тарвузи кўлигидан тушди.

Тадбиркор Махмуджон Эргашев эса ишлатилган ва ташлаб юборилган чикинди полистилен плёнкалари ва буюмлардан қайта ишлаб, сув ўтказувчи полистилен қувурлар ишлаб чиқариш цехини барпо этди.

Ешларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳукумати-миз минибанклар орқали имтиёзли кредитлар берилиши учун қарорлар қабул қилганини эшитиб янада қувонди ва дастгоҳлар сотиб олди. Энди ҳам ашё учун пул топса бўлган. Камда 20 нафар ёш иш билан таъминланади. Аммо бу ширин хаёллар ҳам саробга айланади. Кредит олишининг иложи бўлмади.

Юртбошимизнинг ўтган йилги май ойида қабул қилган Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарориди "Тадбиркорбанк" негизда "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил қилиш, унинг моддий-техника базасини мустахкамлаш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжаликларига микрокредитлар бериш ва шу каби бошқа хизматлар кўрсатиш белгилаб берилган эди.

Хўш, унда нега юқоридаги каби муаммолар юзага келяпти? Хусусий тадбиркорликни ривожлантираман, қўллаб-қувватлаш ишчи ўринлари яратаман, деб отилиб чиқатган ва шунга етарли дастгоҳлари бор, иш юритиш имкониятлари муҳайё бўлиб турган кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятларини ривожлантириб боришлари учун кредит олишолмаётми?

Бу ахволни "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки Пойтут минибанки бошлиғи Хотамжон Фозилов кўйидагича изоҳлади:

«Ҳақиқатда туманимизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, яъни тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва қасаначиликни яратиб, айниқса, чекка қишлоқлар аҳолисини микроолиявий хизматлар билан таъминлаш юзасидан 9 та қишлоқ фуқаролар йиғинларига 2007

бўлиши керак. Аммо чекка қишлоқларда, айниқса, иш ўринлари яратишни қўлаб-қувватлаган бундай кичик молиявий ёрдамни олишга зарурияти бор оилаларда тартиб бўйича белгиланган кафолат етарли даражада бўлмайди. Ўй-ғой, у анжомлари, ҳатто, хунармандчилик дастгоҳлари, эски русумдаги автомобиллари билан кредит ололмаган тадбиркор нима қилади? Инфратузилмани ривожлантириш борасидаги мақсад амалга ошиши қийинлашади. Шулардан келиб чиқиб, баъзи мулоҳазаларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Мақоламизнинг бошида айтганимиздек, тадбиркорлар дастгоҳларининг қиймати 1-2 миллион сўмдан кам эмас. 1 донга тикув машинасининг қиймати ҳам 500 минг сўмдан ортиқ туради. Нега шу дастгоҳларни кафолат учун қабул қилиш мумкин эмас? Хуллас, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки чекка қишлоқлардаги аҳолини кичик молиявий хизмат билан таъминлаш ва шу асосда ишчи ўринлари яратиш борасида бошлаган ибратли ишга қўшимча равишда кредит қарзларини қайтаришининг кафолат тартибдаги тартиб-қоидаларини қўриб чиқса нур устига аёло нур бўлар эди...

Аас ҳолда, ҳолва деган билан оғиз чучимайди, деганларидек ҳозирги ахвол баъзан "Мана пул... Қани пул?" деган иборани эслатиб қўйяпти.

Й.ИСОҚЖОНОВ,
Андижан вилояти
Избоскан тумани.

Республикаимиз пахтакорларининг авжи меҳнат мавсуми бошланди. Чигитни бир текис ундириб олгач, ягона қилишга киришадилар. Бу тадбирнинг аҳамиятини деҳқону фермерлар яхши билишади. Чунки гектарларда гўза тулланининг ортиқча қалин бўлиши ҳам, кўчатнинг сийрак қолдирилиши ҳам ҳосилдорлик пасайишига олиб келади. Демак, мазкур агротадбирни рисоладагидек адо этмасангиз, захматли меҳнатингизга қарамай зиён қўриб қолишингиз мумкин.

Очиғи, сўнгги йилларда гўза ўстириш агротехникасида асосий ҳолда ниҳолларни қалин қолдиришга интилиш ҳоллари кузатиляпти. Эмишчи,

рилганда уларнинг қарийб 10-15 фоизи мутлақо қўсақ тугмаган, яна шунча миқдордаги тудла 1-3 тагина қўсақ бўлгани аниқланган.

Мўл ҳосил бугунги меҳнатга боғлиқ

кўчат қалин қолдирилса, гўза тулларида қўсақлар қамроқ бўлганидан улар тез очилади-ю, терим қисқа вақтда тамомланади. Аммо, ўтказилган илмий тажрибалар натижаси таъминоти бўлган. Ўй-ғой, кўчат қалинлиги ортиши билан асосий поя, ҳосил шохлари ва элементларнинг камайиши, биринчи ҳосил шохининг анча юқоридан чиқиши, гуллаш ва қўсақларнинг очилиш суръати сустайиши кузатилади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Далада гўза туллари ортиқча қолди-

Хосил бермаган гўзалар бегона ўтлар билан барабар. Чунки бегона ўтлар нормал ўсадиган гўзаларга қандай зарар берса, булар ҳам шундай шикаст етказиши. Айниқса, гўза тулларида кўчат қалинлиги ортиши билан асосий поя, ҳосил шохлари ва элементларнинг камайиши, биринчи ҳосил шохининг анча юқоридан чиқиши, гуллаш ва қўсақларнинг очилиш суръати сустайиши кузатилади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Далада гўза туллари ортиқча қолди-

ланган ягоналаш усули уяларда биттадан ниҳол қолдириб қетишди. Ниҳоллар уяларда яқка қолдирилганда улар яхши ривожланиб, мўл ҳосил қўлабди, қўсақлар бир текис қийғос очилади.

Бир уядаги ўсимликлар сони қанча кўп бўлса, уларнинг ривожланиши ва ҳосил туллаши ўртасидаги тафовут ҳам шунча катта бўлади. Ягоналашнинг яна бир шарти уни ўз вақтида бажариш ҳисобланади. Хўш, мазкур тадбирни қачон ўтказган маъқул?

Ягоналашни гўзалар 1-2 чинбарг

Мутахассис минбари

лаб, 8-10 кун давомида тугаллаш зарур.

Далаларнинг ҳолатига қараб, кўчатлар қалинлиги турлича бўлади. Масалан, ер ости сувлари чуқур жойлашган унумдор бўз тулроқ-ли ерларнинг ҳар гектарига 80-90 минг туп (90 см схемада қилган май-донларнинг ҳар бир метрида 7-8,60 см. да қилганда 5-6 туп) ниҳол қолдириш лозим. Унумдорлиги ўртача бўлган ерларда 100-110 минг туп, унумдорлиги паст, қумоқ ерларда гектарига 120-130 минг туп (ингичка толали гўза навлари учун шунга мутаносиб равишда 10-15 фоиз кўп) кўчат қолдирилиши мақсадга мувофиқдир. Яна шунинг ёддан чиқармаслик кераки, мазкур тадбирларни фермерлар мутахассис ва тажрибали пахтакорлар билан бамаслаҳат, ҳар бир далаининг ўзига хос тулроқ ва экилаётган навларнинг хусусиятларини қатъий ҳисобга олган ҳолда амалга оширишлари, табақалаштирилган оптимал гўза туллари қалинлигини белгилашлари зарур.

Шундагина кўш нури ва ер-сув ресурсларидан мўл ҳамда эртаги ҳосил етиштириш учун юқори даражада фойдаланишга замин яратилади.

Р.НАЗАРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими.

Давлат-тижорат Халқ банкнинг «Бинафша» ютуқли омонати бўйича 2007 йилнинг 20 апрелида Термиз шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг Расмий жадвали

Т/р	Ютуқ миқдори (сўм)	Вилоят	Филал	Муассаса	Ҳисобварақ рақами
1	1 000 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Амударё	02.	БФ-3
2	500 000	Хоразм	Гурлан	026.	БФ-8
3	250 000	Тошкент вилояти	Чиноз	02.	БФ-38
4	250 000	Тошкент шаҳар	Тошкент шаҳар филиалнинг амалиёт бўлими	0603.	БФ-18
5	200 000	Наманган	Янгиқўрт	015.	БФ-1
6	200 000	Қашқадарё	Ғузор	020.	БФ-8
7	100 000	Тошкент шаҳар	Юнусов	0176.	БФ-7
8	100 000	Сурхондарё	Сарвон	05.	БФ-4
9	100 000	Андижон	Андижон вилоят филиалнинг амалиёт бўлими	071.	БФ-3
10	50 000	Қашқадарё	Ғузор	Амалиёт бўлими	БФ-512
11	50 000	Тошкент вил.	Чиноз	02.	БФ-21
12	50 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораўзақ	Амалиёт бўлими	БФ-32
13	50 000	Сурхондарё	Сарвон	01.	БФ-1
14	50 000	Наманган	Турақўрт	Амалиёт бўлими	БФ-2
15	50 000	Бухоро	Вобекан	Амалиёт бўлими	БФ-6
16	50 000	Самарқанд	Булунгур	Амалиёт бўлими	БФ-4
17	25 000	Тошкент шаҳар	Тошкент шаҳар филиалнинг амалиёт бўлими	0317.	БФ-6
18	25 000	Фарғона	Бешарик	01.	БФ-3
19	25 000	Сурхондарё	Сарвон	03.	БФ-2
20	25 000	Фарғона	Бешарик	034.	БФ-5
21	25 000	Тошкент шаҳар	Учтепа	0352.	БФ-5
22	25 000	Тошкент вил.	Чиноз	048.	БФ-42
23	25 000	Сурхондарё	Сарвон	03.	БФ-8
24	25 000	Қашқадарё	Ғузор	Амалиёт бўлими	БФ-212
25	25 000	Қашқадарё	Ғузор	Амалиёт бўлими	БФ-967
26	25 000	Тошкент шаҳар	Тошкент шаҳар филиалнинг амалиёт бўлими	0133.	БФ-23
27	10 000	Тошкент шаҳар	Тошкент шаҳар филиалнинг амалиёт бўлими	0255.	БФ-27
28	10 000	Жиззах	Зомин	Наврўз минибанки	БФ-4
29	10 000	Сурхондарё	Сарвон	01.	БФ-35
30	10 000	Тошкент шаҳар	Яккасарой	0492.	БФ-1
31	10 000	Қашқадарё	Ғузор	Амалиёт бўлими	БФ-22
32	10 000	Тошкент шаҳар	Тошкент шаҳар филиал	Амалиёт бўлими	БФ-71
33	10 000	Тошкент вил.	Чиноз	02.	БФ-35
34	10 000	Жиззах	Бахмал	Амалиёт бўлими	БФ-1
35	10 000	Қашқадарё	Ғузор	Амалиёт бўлими	БФ-989
36	10 000	Жиззах	Мирзачўл	04.	БФ-1
37	10 000	Жиззах	Жиззах вилояти филиал	Амалиёт бўлими	БФ-13
38	10 000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси филиалнинг амалиёт бўлими	030.	БФ-2
39	10 000	Хоразм	Хонка	Амалиёт бўлими	БФ-22
40	5 000	Андижон	Балиқчи	Амалиёт бўлими	БФ-3
41	5 000	Сурхондарё	Сарвон	03.	БФ-27
42	5 000	Тошкент вил.	Чиноз	024.	БФ-12
43	5 000	Бухоро	Вобекан	033.	БФ-9
44	5 000	Фарғона	Мариялон	Амалиёт бўлими	БФ-17
45	5 000	Тошкент шаҳар	Тошкент шаҳар филиал	Амалиёт бўлими	БФ-35
46	5 000	Тошкент шаҳар	Тошкент шаҳар филиалнинг амалиёт бўлими	0317.	БФ-30
47	5 000	Қашқадарё	Ғузор	Амалиёт бўлими	БФ-126
48	5 000	Бухоро	Вобекан	Амалиёт бўлими	БФ-16
49	5 000	Тошкент шаҳар	Тошкент шаҳар филиал	Амалиёт бўлими	БФ-74
50	5 000	Тошкент шаҳар	Тошкент шаҳар филиал	Амалиёт бўлими	БФ-46
51	5 000	Хоразм	Питнак	02.	БФ-12
52	5 000	Андижон	Пахтабод	Амалиёт бўлими	БФ-12
53	5 000	Тошкент шаҳар	Тошкент шаҳар филиалнинг амалиёт бўлими	0106	БФ-32

Ҳайъат раиси — Термиз шаҳар ҳокимининг ўринбосари

А.А.Рўзиев

Масъул котиб — Халқ банки Бошқарувининг Жамғарма ишларини ривожлантириш ва қимматли қозғалар Департаменти директори

К.Ф.Мадрахимов

Если хочешь узнать больше о биржевых ценах, отправь слово UZEX на 8881

Қишлоқ хўжалик қорхоналарига хизмат кўрсатувчи елкадош ташкилотлардан бири "Қишлоқ-хўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамиятидир. "Ерни боқсанг — ер сени боқадир", деган ақидага амал қилган фермер бугунги кунда бу қорхона билан мустахкам иқтисодий алоқа ўрнатган.

Навоий вилоятида бундан 5-6 йил муқаддам хўжаликлар ўз техникалари билан олисда жойлашган заводлардан катта харажат эвазига ми-

Сервис хизмати яхшиланмоқда

Нерал ўғитларни ташиб келтирилган бўлса, бугунда фермерларга керакли миқдордаги минерал ўғитлар 27 та шохобча орқали етказиб беришмоқда. Республика Президенти 2006 йил 21 ноябрдаги "2007 йилда қишлоқ хўжалик қорхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чоралари тўғрисида"ги қарорига асосан Навоий вилоятидаги 8 та ширкат хўжалиғи тугатилиб, уларнинг ўрнида ташкил этилган фермер хўжаликлари билан минерал ўғит таъминоти бўйича шартномалар тузилган. Ишбу қарор асосида 4 та минерал ўғит таъминоти шохобчалари очилди. Бундан мақсад деҳқонлар оғирини енгил, узогини яқин қилишдир.

Фермер хўжаликларида сервис хизмати турлари ва ҳажминини кўпайтириш учун вилоят ташкилотидида барча турдаги техника воситалари мавжуд. Бу йил қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш бўйича минерал ўғитлар фонди туманлар, хўжаликлар кесимида, экин турлари бўйича тақсимлаб берилган. Барча давлат буюртмасидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар билан минерал ўғит етказиб бериш

чиқинди: Ёқсанг — заҳар, қайта ишласанг — маҳсулот

Бугунги кундаги энг муҳим муаммолардан бири атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган чиқиндилар масаласидир.

Авлод-аждодларимиз бу борада барчага ўрнак, намуна бўлишган. Афсуски, ҳозирги пайтда айримлар машинада кетаётиб, уялмасдан йўлларга дуч келган нарсани, ҳаттоки, уйдан чиққан ахлатларни халтачаларга жойлаб пасткам жойларга улоқтириб қетишади. Бундай қимсалар кўча-кўйларда овқат чайнаб, ноз-неъматларни тўкиб-сочиб, исроф қилишади, кўчаларга резина сақичларни, писта пўчқаларни, ҳар хил этикеткаларни ташлаб, инсоний қиёфага хилоф бўлган ишлардан ўзларини тийишмайдилар.

Афсуски баъзи хонадонлар ва дала-хавилларда ҳоҳнатхона чиқиндиларини "яширин" усуллар билан канал ва сойларга тўғрилаб қўйиб қабил халатлар ҳам ўраб турибди. Айрим кишилар ил ва турли хил хайвонларни аҳоли зич жойлардаги майса-зорларда сайр эттириб, кўркам жойларни булғатиб, инсонларнинг асабини қажшатишмоқда.

Баъзилар пул топиш мақсадида ноқонуний йўللардан фойдаланиб, атроф-муҳитни ортиқча ифлослантириб юбормоқдалар. Уларнинг қўнчилар, маҳалладошлар, энг асосий оракмиздан қолдирувчи насл-насабимизни заҳарлайдиган турли хил сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариши ёки чет элдан келиб қолган қабил ақлга тўғри келмайдиган фаолияти кимга фойда, кимга зиён?

Шу ўринда яна бир муҳим муаммони таъкидлаш лозим: очик ҳавода тўпланиб ётган чиқиндилар чириш жараёнида атмосфера ҳавосининг Озон (О₃) қатламни емирувчи ҳар хил зарарли газлар ҳосил бўлади. 1 гектар майдонни эгаллаган қаттиқ чиқиндихона

В связи с реорганизацией Внешнеэкономической деятельности "ГУИН МВД РУ" все права и обязательства Управления ВЭС на условиях универсального правопреемства передаются редакции ГП газеты "БАКТ-ВРЕМЯ" ГУИН МВД РУ. Претензии, принимаются в течение 15 дней со дня опубликования объявления. Тел.: 191-93-05.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2007 йил 10 январда Умаров Шерзод Халтоевич номига берилган № 2007/3763 рақамли малака аттестати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Экология

надан 1 йилда минг тонна CO₂ — карбонат ангидрид ва CH₄ — метан газы ҳосил бўлиб, атроф-муҳитни заҳарлайди. Айрим қажон келинчақлар, фаррош фуқаролар, ҳаттоки, баъзи раҳбарлар тўпланган ҳазон, шох-шаббалар, чиқиндиларни ёқиб, улардан осон қутулмоқчи бўладилар. Чиқиндилар, айниқса, пластмасса қолдиқлари, ҳазонлар ва турли жиҳозлар ёндирилганда жуда хавфли, инсон ирсиятига, иқлим шароитига салбий таъсир кўрсатувчи қўлаб-қувватлаб ақралиб, ҳавони ўн қарра ва ундан ҳам кўпроқ ифлослантиради.

Чиқиндилардан ҳозирги кунда маълум ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилиб, ҳам ашё сифатида моддий бойликлар — пластмасса жиҳозлар, макултурадан турли буюмлар, қўрилишда ишлатиладиган тўлдирувчи брикетлар, маҳаллий ўғитлар, "Биоугуш" ва биогаз олинмоқда. Янги йўлда 2002 йили иш бошлаган "Авесто шамс" хусусий қорхонаси чиқиндилар таркибидидаги пластмасса қолдиқлари, плёнкалар, "бақлашқа"лар қабул қилишни йўлга қўйиб, улардан зарур бўлган қўти-идишлар, плёнка қоплама дастурхонлар, диаметри 40-160 мм бўлган сув, каналлашувчи қувурлари, қалинлиги 60 дан 100 микрометр бўлган плёнкалар ва "Нексис" автомашинаси учун хавфсизлик қорғашинлари ишлаб чиқаришмоқда. 2006 йили 150 тонна чиқинди қайта ишланди, 85 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, шу жумладан, 23,5 минг АКШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бунинг эвазига қорхонада 80 киши иш билан таъминланган. Ер юзини обод қилиб, она заминимизни поклаш билан қўзланган мақсадга эришайлик.

Абдумаллиқ АБДУХОЛИҚОВ,
Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитаси махсус нозирлик бошлиғи.

ЧФ "POGOSYAN-SERVIS" Юнусабадского района г.Ташкента сообщает о своем реорганизации в форме преобразования в ЧП "POGOSYAN-SERVIS". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 333-03-69.

Утерянный аттестат об окончании 11 классов О'РВ № 051749, выданный 1999 г., сред. ш. № 125 Мирабадского района г.Ташкента на имя Касымова Бобомурода Бахрамовича, считать недействительным.

